

“ҚЎШҚЎПИР ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИДАН КУЧИРМА.

Хоразм вилояти,
Қўшқўпир тумани, Ш.Рашидов кўчаси,
15-уй

2017 йил 30 июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 15-уйда “Қўшқўпир пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: 14:00

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: 14:50

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: 15:00

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 427752.

“Қўшқўпир пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2017 йил 16 июндаги 224-сонли таклифи инobatга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2017 йил 19 июнда қабул қилинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2017 йил 26 июнь.

КУН ТАРТИБИ:

5. Жамият Бош директори Хўжаев Анвар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинганлигини тасдиқлаш.

6. Жамият ижроия органи раҳбарини тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш.

10. Жамиятнинг 2015-2016 йиллар якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

12. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Умумий йиғилиш қарор қилади:

5. Жамият Бош директори Хўжаев Анвар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинганлиги тасдиқлансин.

6. 2017 йил 01 сентябрга қадар “Қўшқўпир пахта тозалаш” АЖ ижроия органи раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи этиб Матрасулов Мақсуд Отабоевич тайинлансин.

“Қўшқўпир пахта тозалаш” кузатув кенгаши, жамият ижроия органи раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Матрасулов Мақсуд Отабоевич билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати 2017 йил 01 сентябргача) тузилишини таъминласин.

Жамият кузатув кенгаши “Хоразмпахтасаноат ҳудудий филиали” МЧЖ томонидан 2016 йил пахта ҳосили якуни бўйича Назорат тафтиш бошқармасининг текшириш далолатномасига асосан бериладиган ёзма маълумотномасига кўра, жамият ижроия органи раҳбари вазифасини вақтинча

бажарувчи билан меҳнат шартномасини чўзиш, чўзмаслик ёки ижроия органи раҳбарини тайинлаш масаласини кўриб чиқсин.

Жамият ижроия органи раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Матрасулов Мақсуд Отабоевичга:

-ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк хужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

-2016 йил пахта ҳосили якуни бўйича Назорат тафтиш бошқармасининг текшириш далолатномасига асосан кузатув кенгашига ёзма маълумотнома берилиши учун мазкур йиғилиш баённомасидан кўчирмани 10 кун муддат ичида “Хоразмпахтасаноат ҳудудий филиали” МЧЖга етказилишини таъминласин.

10. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 51-моддасига асосан дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Мазкур Қонун талабларидан келиб чиқиб, 2015 йил якуни бўйича жамият соф фойдаси тақсимооти бўйича 2016 йил 27 июнда ўтказилган жамият акциядорларининг умумий йиғилиш баённининг кун тартибидаги ўн биринчи ва ўн иккинчи масалалар юзасидан қабул қилинган қарорларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин ҳамда қуйидагича баён этилсин:

2015 йил якуни бўйича олинган – 683 800 000 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

-52,0 фоизи ёки 355 576 000 сўмни жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтириш учун;

-8,0 фоизи ёки 54 704 000 сўм ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантириш учун;

-40,0 фоизи ёки 273 520 000 сўм жамиятнинг оддий ва имтиёзли акциялари учун дивиденд тўловлари учун.

Оддий акциялар бўйича дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида тўлансин.

Оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 30 июн 2017 йил.

Оддий ва имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 29 август 2017 йил.

Оддий ва имтиёзли акциялар бўйича 273 520 000 сўм дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича олинган – 2 974 960 000 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 2 974 960 000 сўм ёки соф фойданинг 100 % қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан жамият устав фондини кўпайтиришга йўналтирилсин.

-уставга кўра 2016 йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдорида (акциянинг номинал қиймати 1 500 сўм*15% =225 сўмдан х 10662 дона х 1 йилга) жами 2 398 950 сўмни жамият томонидан чиқарилган 10662 дона имтиёзли акциялардан дивиденд тўланишига;

-қолган 2 972 361 050 сўмни жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтирилсин.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида тўлансин.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 30 июн 2017 йил.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 29 август 2017 йил.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

2015-2016 йиллар якуни бўйича олинган соф фойдадан қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан жамият устав фондини кўпайтиришга йўналтирилган 3 327 937 050 сўм маблағдан:

- 3 288 105 000 сўм ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан жамият устав фондини кўпайтиришга йўналтирилсин;

-39 832 050 сўм маблағ акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинсин.

5. “Кўшкўпир пахта тозалаш” АЖнинг устав фонди 657 621 000 сўмдан 3 945 726 000 сўмгача кўпайтирилсин, яъни 3 288 105 000 сўмлик ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни чиқариш йўли орқали.

Қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади ва ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

Номинал қиймати 1500 сўмдан жами қўшимча 3 288 105 000 сўмлик 2 138 760 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий акциялар ва 53 310 дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз имтиёзли акциялар чиқарилсин.

Акцияларни қўшимча чиқарилишини жойлаштириш бўйича қуйидаги шартлари белгилансин:

- қўшимча чиқариладиган акциялар ёпиқ обуна бўйича 2017 йил 26 июн ҳолатига шаклланган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестрига киритилган акциядорларга жойлаштирилади;

- қўшимча чиқариладиган акцияларнинг жойлаштириш муддати қўшимча чиқариладиган акцияларнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 365 кун ичида амалга оширилади;

- қўшимча чиқариладиган акцияларнинг номинал қиймати 1500 сўм;

- қўшимча чиқариладиган акциялар учун тўловлар жамият ўз капитали ҳисобидан 3 288 105 000 сўм миқдорида амалга оширилади;

- 2017 йил 26 июн ҳолатига шаклланган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестрига киритилган акциядорларга ҳар 1 (бир) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий акцияга 5 (беш) донадан эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий акциялар ва ҳар 1 (бир) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз имтиёзли акцияга 5 (беш) донадан эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз имтиёзли акциялар тақсимланади;

- қўшимча чиқариладиган акциялар жойлаштирилиши уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида фуқаровий-ҳуқуқий шартномасиз амалга оширилади;

- қўшимча чиқариладиган акциялар чиқарилиши амалга оширмаган деб топилганда, акцияларни сотиб олишга йўналтирилган маблағлар жамиятнинг тақсимланмаган фойдасида қонунчиликда белгиланган тартибда 10 кун ичида акс эттирилади.

Жамиятнинг устав фонди ўзгарганлиги сабабли, жамият Уставига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин

Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш ваколати жамиятнинг кузатув кенгашига берилсин.

Жамият ижроия органи раҳбари қонунчиликда белгиланган муддатда ва тартибда қўшимча акциялар чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

11. Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Васитов Музаффар - «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК раис ёрдамчиси;
2. Назаров Олим Арифович - «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК бошкарма бошлиғи;
3. Ибодов Баходир Ибодович - «Ўзпахтасаноат» АЖ бош мутахассиси;
4. Турсунов Санжар Рихсибаевич - «Ўзпахтасаноат» АЖ бош мутахассиси;
5. Хусайнова Кундузхон Равшонбековна «Хоразмпахтасаноат ҳудудий филиали» МЧЖ қимматли қоғозлар бозори бўйича мутахассиси.
6. Юлдашов Зафарбек Рустамович - «Ўзпахтасаноат» АЖ офис менежер.
7. Мусокулов Рустам Комилович - «Ўзпахтасаноат» АЖ бош мутахассиси.
8. Шеранов Бахром Лапасович - «Ўзпахтасаноат» бош мутахассиси.
9. Хакимов Шахруз Шухратович - «Ўзпахтасаноат» АЖ бош мутахассиси

12. Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:


“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Атажанов Икрам Холмуратович - «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК етакчи инспектор тафтишчи.
2. Ғоипов Қўзибой Қадамбаевич - «Хоразмпахтасаноат ҳудудий филиали» МЧЖ бўлим бошлиғи.
3. Искандаров Махмудбой Қодирбердиевич - «Хоразмпахтасаноат ҳудудий филиали» МЧЖ бош ҳисобчи.

Йиғилишда раислик қилувчи:



Йиғилиш котиби:




Қ. Ғоипов

Э.Сапаров